

O'zbekistonda sog'iqliqi saqlash

Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2022 йил 7 июнь • №26 (1410)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИДА ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ЖОРӢЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси
19-банди ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Фавқулодда
ҳолат тўғрисида”ги Конституциявий қонунининг 5-7-модда-
ларига мувофиқ:

1. Фуқароларнинг хавфсиз-
лигини таъминлаш, уларнинг
хукуқ ва эркинликларини хи-
моя қилиш, қонунийлик ва
хукуқ-тартиботни тиклаш мак-
садида Қорақалпогистон Ре-
спубликаси худудида 2022 йил
3 июль куни соат 00:01дан 2022
йил 2 август куни соат 00:00
га қадар бўлган даврда фавқу-
лодда ҳолат жорӣ этилсин.

2. Қорақалпогистон Республикаси худудида фавқулодда
ҳолат амал қилиши даврида
соат 21:00 дан соат 07:00 га
қадар комендантлик соати
жорӣ этилсин.

3. Фавқулодда ҳолат амал қи-
лиши даврида Қорақалпоги-
стон Республикаси худуди-
нинг комендатураси ташкил
етилсин ва унга Ўзбекистон Ре-
спубликасининг “Фавқулодда
ҳолат тўғрисида”ги Консти-
туциявий қонунида назарда
тутилган барча ваколатлар
берилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардиясининг қўмон-
дони Рустам Мирзаевич Джума-
раев Қорақалпогистон Республикаси
худудининг комен-
данти этиб тайинлансан.

4. Фавқулодда ҳолат амал
қилиши даврида қуйидаги чо-
ралар ва вактингчалик че-
кловлар ўрнатилсин:

а) жамоат тартибини, ўта
мухим ва тоифаланган объек-
тларни ҳамда ахолининг ҳаёт фа-
олиятини таъминловчи инфра-
тузимла объектларини мухо-
фаза қилиши кучайтирилсин;

б) Қорақалпогистон Республикасида ҳаракатланиш
эркинлиги, шу жумладан,
транспорт воситалари учун
чеклансан;

в) жисмоний шахсларнинг
шахсини тасдиқловчи ҳужжат-
лар текширилиши, уларнинг
шахсий кўриқдан ўтказилиши,
улардаги ашёлар ва транспорт
воситалари кўздан кечирилиши
таъминлансан;

г) Қорақалпогистон Республикасида қириш ҳамда ундан
чиқиш чеклансан;

д) тинч йигилишлар, кўнги-
лочар, спорт ва бошқа оммавий
тадбирлар ташкил этилиши ва
ўтказилиши тақиқлансан;

е) юридик шахслар фа-
олиятини тўхтатиб туриш ёки
тутгатишига қаратилган иш
ташлашлар ва бошқа ҳар қан-

дай ҳаракатлар тақиқлансан;
ж) курол, ўқ-дорилар, порт-
ловчи моддалар, махсус воси-
талар, заҳарли моддалар соти-
лиши тақиқлансан, шунингдек,
дори ва гиёҳвандлик восита-
лари, психотроп моддалар, пре-
курзорлар ҳамда этил спирти
ва алкоголь маҳсулотлари мум-
омаласининг алоҳида тартиби
жорӣ этилсин;

з) жисмоний шахслардан
курол ва ўқ-дорилар, заҳарли
моддалар, юридик шахслар-
дан эса курол, ўқ-дорилар ва
захарли моддалар билан бир
қаторда ҳарбий ва ўқув-ҳарбий
техника, портловчи ва радиоак-
тив моддаларнинг вактингчалик
олиб кўйилиши таъминлансан.

5. Фавқулодда ҳолат режими
шароитида кўлланиладиган чо-
ра-тадбирларнинг амалга оши-
рилиши учун масъул этиб Қорақалпогистон Республикаси
худуди комендатураси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси,
Ўзбекистон Республикаси Давлат
хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда
вазиятлар вазирлиги, шунингдек, Фавқулодда вазият-
ларнинг олдини олиш ва ҳа-
ракат қилиш давлат тизимига

Давоми 2-бетда ➤

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ҚУРБОН ҲАЙТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ҳалқимизнинг қадимий ва бетакор байрамларидан бири
бўлган муборак Қурбон ҳайитининг мазмун-моҳиятида муз-
жассам бўлган инсонпарварлик, эзгулик, шукроналик ва
мехр-оқибат сингари анъана ва қадриятларни асраб-авай-
лаш ҳамда кенг тарғиб этиш, ушбу улуғ байрамни мамлака-
тимизда муносиб нишонлаш мақсадида:

1. Жорӣ йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 9 июль –
шанба кунига тўғри келиши тўғрисида Ўзбекистон мусулмон-
лари идораси Уламолар кенгаши томонидан қабул қилинган қа-
рорни инобатга олиб, мамлакатимизда 2022 йил 9 июль куни
Қурбон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 де-
кабрдаги “2022 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қў-
шимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунла-
рини кўчириш тўғрисида”ги ПФ-35-сон Фармони билан 2022
йил 11-12 июль кунлари дам олиш кунлари сифатида белги-
ланганлиги маълумот учун қабул қилинсан.

2. Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вило-
ятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни Дин ишлари бўйича қў-
мита, Маҳалла ва нуронийларни кўллаб-куватлаш вазирлиги
ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиқда Қурбон ҳайити
халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равища ўтка-
зилиши учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширасин.

3. Туризм ва маданий мерос вазирлиги Транспорт вазирлиги
билан биргаликда юртдошларимиз учун Қурбон ҳайити кунла-
рида мўътабар ёдгорлик ва қадамжоларга зиёратларни ташкил
этиш мақсадида қулај шароит ва имкониятлар яратсан.

4. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон
Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот восита-
ларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни
кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарор-
лари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Ре-
спубликасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси
Президентининг маслаҳатчиси М.М. Камилов зимма-
сига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,

2022 йил 1 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МУРОЖААТИ

Қадрли ватандошлар!

Хурматли Жўқорги Кенгес
депутатлари!

Бугун мен Ватанимизнинг
тақдири ва келажагига, қут-
луг заминимиздаги тинчлик ва
баркарорликка бефарқ бўлма-
ган барча инсонларга мурожаат
қилмоқчиман.

Қорақалпогистон Республикаси
депутати содир этилган ташвиши
воеаларни ҳар биримиз, барча
Ўзбекистон фуқаролари юраги-
мизда чукур дард ва изтироб би-
лан қабул қилмоқдамиз.

Маълумки, шу кунларда мам-
лакатимизда муҳим сиёсий жа-
раён – Ўзбекистон Республикаси
Конституциясига ўзгартиш
ва кўшимчалар киритиш бўй-

ича умумхалқ муҳокамаси да-
вом этмоқда.

Конституциявий ислоҳотлар
мамлакатимизни ижтимои-си-
ёсий ва иқтисодий жиҳат-
дан янада ривожлантириш,
фуқароларнинг хукуқ ва эркин-
ликларини мустаҳкамлаш, “ин-
сон қадри учун” деган эзгу ғо-
яни амалда қарор топтиришга
қаратилгандир.

Фуқароларнинг ўз фикри ва
хоҳиши-иродасини демократик
принциплар ва хукуқий нор-
малар асосида эркин билди-
риш бўйича яратилган шарт-ша-
роитларга қарамасдан, айрим ра-
разли кучлар конституциявий
ислоҳотларга норозилик баҳона-
сида тажовузкорлик ва зўравон-

иёль куни Нукус шаҳрида со-
хта шиорларни ўзига ниқоб қи-
либ олган ҳолда, фуқароларнинг
ишончига кириб, уларнинг фи-
крини чалғитиб, ҳокимият ва-
килларининг конуний талабла-
рига бўйсунмасдан, тартиб-
сизликлар келтириб чиқарди,
маҳаллий давлат ҳокимияти ор-
гандарни биноларини эгаллаб
олишга уринди.

Уларнинг асосий нияти жами-
ятни парокандা қилиш, давлати-
зиз томонидан олиб борилаёт-
ган бунёдкорлик сиёсатига бўл-
ган ишончни сусайтириш, Ўз-
бекистоннинг худудий яхлити-
гига пурт етказишдан иборат.

Илгари хабар қилинганидек,
бир гурух шахслар 2022 йил 1

ликларда қатнашган айрим ким-
салар хукуқ-тартибот орган-
лари ходимлари билан тўқна-
шувларни келтириб чиқаришга,
қўриқланадиган худудларга зўравонлик билан бостириб ки-
ришга уринди, биноларга тош ва
турли буюмлар отишиди.

Шаҳар бўйлаб юриш давомида
улар инфратузимла объект-
ларига сезиларни дараҷада заар
етказиши. Биноларнинг ойна-
ларини синдириб, ёнгинлар сод-
ир этишиди. Бир нечта гурухлар
курол-яроғларни кўлга киритиш
максадида Нукус шаҳар Ички
ишларини бош бошқармаси ва Мил-
лий гвардия бошқармаси бино-
ларини эгаллашга уринишиди.

Давоми 2-бетда ➤

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ ЖОРӢ ӘТИШ ТЎҒРИСИДА

Давоми. Боши 1-бетда

кирувчи бошқа давлат органлари ҳамда ташкилотларининг кучлари ва воситалари белгилансин.

6. Фуқароларнинг ҳәти ва соғлиги учун аниқ таҳдид, хуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимларига хужум қилиш, уларнинг курол ва техникинини эгаллаб олиш ҳолатларини инобатга олиб, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ти Конституциявий конунининг 23-моддасига мувофиқ куйидаги вазифаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг кучлари ва воситалари қўшимча равишда жалб этилсан:

фавқулодда ҳолат жорӣ этилган худудга кириш ва ундан чиқишнинг алоҳида режимини таъминлаш;

аҳолининг ҳаёт фаолиятини ва транспортнинг ҳаракатланишини таъминловчи обьектларни ҳамда инсонларнинг ҳәти ва соғлиги, шунингдек, атрофмұхит учун юкори хавф туғдирадиган обьектларни муҳофаза қилиши;

курол, жанговар ва маҳсус техника кўлланилган ҳолда зўравонлик ҳаракатлари билан бирга юз берадиган тўқнашувларда иштирок этаётган қарама-қарши курашаётган тарафларни ажратиш;

қонунга хилоф қуролли тузилмалар фаолиятига чек қўйишида иштирок этиш;

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимишининг кучлари таркибида фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этишда, шунингдек, одамларнинг ҳаётини сақлаб қолишида иштирок этиш.

7. Комендант Р. М.Джураев манбаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалиқда Қорақалпогистон Республикаси ҳудудида хавфсизликни таъминлаш ва хукук тартиботни сақлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ти Конституциявий конуни талабларига мувофиқ бошқа ҷара-тадбирларни амалга ошириш учун барча зарур чораларни кўрсинг.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н. Т. Йўлдошев ушбу Фармон билан ўрнатилган чоралар ва вактингчалик чекловларнинг амалга оширилишида қонунийликка риоя этилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захири жамғармаси ва бошқа давлат манбаларидан фавқулодда ҳолат режимини

таъминлаш учун зарур маблағларни ажратсин.

10. Мазкур Фармон 2022 йил 3 июль куни соат 00:01 дан эътиборан кучга киради ва оммавий ахборот воситаларида дарҳол эълон қилиниши шарт.

11. Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси палаталарига тасдиқлаш учун юборилсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В. В. Махмудов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри,
2022 йил 2 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МУРОЖААТИ

Давоми. Боши 1-бетда

Ушбу кимсалар сон жиҳатига кўра нисбий устунликдан фойдаланиб, хуқуқ-тартибот органлари ходимларига хужум қилишиб, уларни аёвсиз калтаклаб, оғир тан жароҳатлари етказишиб.

Минг афсуски, тинч аҳоли ва хуқуқ-тартибот органлари ходимлари орасида курбонлар бор.

Мамлакатимиз Конституцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ти конунига мувофиқ, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонунийлик ва хуқуқ-тартиботни тиклаш мақсадида мен 2022 йил 3 июльдан 2 августга қадар “Қорақалпогистон Республикаси ҳудудида фавқулодда ҳолат жорӣ әтиш ҳақида”ти Фармонни имзоладим.

Ишончим комил, ушбу Фармон ижросини таъминлаш давомида кўп миллатли Қорақалпогистон халқи мамлакатимиз равнави ва фаровонлигининг пойдевори бўлган тинчлик ва барқарорлик, фуқаролар ўтрасида ҳамжиҳатликни таъминлаш учун бирлашиб, барча куч ва имкониятларини сафарбар этади.

Хурматли юртдошлар!

Яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ти Конституциявий қонун лойиҳаси эълон қилинди ва умумхалқ муҳокамасидан ўтмоқда. У фақат Ўзбекистон халқининг таклиф ва фикрлари асосида ўзгартирилади ва такомилади.

Шундан сўнг мазкур лойиҳа Узбекистон Республикаси референдумига кўйилади ва фуқароларимиз эркин овоз бериши йўли билан ўз хошиш-иродасини ифода этадилар. Фақат шундан кейин Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар қонуний кучга эга бўлади.

Бундай ёндашув “Халқ –

Конституциянинг бирдан-бирманбаи ва муаллифи”, деган принципга тўла мос келади. Faқат шундагина ҳар бир ватандошимиз “Янги Ўзбекистон Конституцияси – бу менинг Конституциям”, деб ғурур билан айтила олади.

Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича муҳокамалар жараёни давом этмоқда. Қорақалпогистон ахолиси томонидан билдирилаётган фикрларни ўрганиш асосида Жўқорғи Кенгес депутатлари, муҳтарам нуронийларимиз ҳамда Қорақалпогистон фоллари билан бўлиб ўтган учрашувда мен Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Қорақалпогистон Республикасининг хуқуқий мақомига оид 70, 71, 72, 74, 75-моддаларини амалдаги таҳрирда, ўзгартирасдан колдиришини таклиф этдим.

Олий Мажлиси Қонуничилик палатаси яқин кунларда бу масалани кўриб чиқади.

Хурматли депутатлар ва Қорақалпогистон аҳади!

Маълумки, кейинги йилларда биз сизлар билан биргаликда Қорақалпогистонни ижтимоий, иқтисодий, мадданий ва инновацион жиҳатдан ҳар томонлама ривожлантириш бўйича кенг кўламдаги бунёдкорлик ишларни аширилди. Уларнинг амалий натижаларини ушбу дидёра яшаётган ҳар бир инсон буғун ўз ҳаётида хис этмоқда.

Охирги беш йилда худуднинг маҳаллий бюджетига қарийб 11 трилион сўм маблағ йўналтирилди. Аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш бўйича муҳим дастурлар изчил амалга оширилмоқда.

Камбағалликни қисқартириш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, “темир дафтари” киритилган 65 мингга яқин оиласа, 16 ёшгача болалиқдан ногирон аъзоси бўлган ҳамда бокӯвчинини йўқотган 17 минг оиласа маддий ёрдам кўрсатилди.

Биргина 2020 йил якуни бўй-

ича Қорақалпогистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи даромад 3 баробарга ошиди.

Сўнгти беш йилда курилиш ишлари ҳажми 3,5 марта ўси. Ўнлаб янги ишлаб чиқариш қувватлари, замонавий агрокластерлар, кўшма корхоналар ишга туширилди. Республикада минглаб янги обьектлар барпо этилди, реконструкция қилинди ва таъмирланди. Жумладан, кўплаб болалар боғчалари, умумтаълим ва ихтисослашган мактаблар, олийгоҳлар, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва спорт масканлари фойдаланишга топширилди.

Боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим билан камраб олиш даражаси 2017 йилдаги 32 фоиздан 75 фоизга етди. “Обод кишлок” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида Қорақалпогистон Республикаси ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, аҳолини электр энергияси, табиий газ, иҷимлик суви билан таъминлаш, ирригация ва мелиорация тармоклари ҳолатини яхшилаш бўйича кенг миқёсдаги ишларни аширилмоқда.

Оролбўй минтақасининг экологик тизимини ҳимоя қилиш ва тиклаш, худудни барқарор ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича ҳам фаол иш олиб борилмоқда. Ҳусусан, бир пайтлар ночор ахволга тушшиб қолган Мўйноқ бугун бутунлай янгича қиёфа касб этиб, жадал ривожланиб бораётган замонавий туманлардан бирига айланди.

Денгизнинг қуриган қисмида 1 миллион 733 минг гектар майдонда яшил худудлар барпо этилди. Ушбу худуднинг ўсимлиқ ва ҳайвонот дунёсини тиклаш бўйича беш йиллик мильдий дастур ишлаб чиқилмоқда. Оролбўй минтақасини ривожлантириш масаласи биринчи марта давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Юқосак халқаро минбарлардан Оролмуаммосига жаҳон жамоатчи-

лиги эътиборини мунтазам қартиб келмоқдамиз.

Тўлиқ ишонч билан айтиманки, Қорақалпогистонда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар бундан бўён ҳам албатта изчил суръатларда давом эттирилади.

Чунки Қорақалпогистоннинг тақдири – бу Ўзбекистоннинг тақдири, қорақалпок халқининг баҳти ва фаронлиги – бу бутун ўзбек халқининг баҳти ва фаронлиги.

Мен ҳаёт синовларида то бланган қорақалпок халқининг донишмандлигига ишонаман ва уларни акл-идрок билан иш тутишга, турли хил кутқуларга, жумладан, четдан бўлаётган ғарзлии чорлов ва ҳаракатларга алданмаслик, уларнинг курбонига айланмасликка чақираман.

Сепаратизмга, оммавий тарбисизларларга, ҳокимият органларига зўравонлик йўли билан қаршилиш, кўрсатишига давват этадиган ҳар қандай ҳаракатларга амалдаги қонуничиликка мувофиқ кескин чора кўрилади, айборлар эса муқарар жазога тортилади.

Аминманки, Қорақалпогистоннинг меҳнаткаш, оққўнгил ва бағрикенг эли ўзбек ва қорақалпок халқлари тақдирининг бирлиги ва яхлитлигига, оғизбирчилигига асосланган муқаддас қадриятларини бундан бўён ҳам кўз қорачигидек асраб-авайлаб яшайди.

Содир бўлган воқеалар бизни янада хушёр ва сезигир бўлишига чакиради. Бугун жонажон Ўзбекистонимизда тинчлик ва осойишилигни сақлаш, фарзандларимиз ва набираларимизнинг ёруғ келажагини таъминлаш учун метин иродада, жипслик ва яқдиллик ҳар қачонгидан ҳам зарурдир.

Фурсатдан фойдаланиб, мен Ўзбекистонни ўз она Ватани деб биладиган барча юртдошларимизга, муҳтарам отаҳон ва она-хонларимизга, қадрли ака-ука ва

опа-сингилларимизга, азиз фарзандларимизга мурожаат килиб айтмоқчиман.

Ҳеч кимга сир эмас, ҳозирги вақтда дунёнинг турли мінтакаларида ўзаро шафкатсиз ракобат, миллатлараро ва динлараро зиддиятлар, сепаратизм, миллатчилик, радикализм қаби таҳдидлар тобора кучайиб бормоқда.

Ана шундай таҳликали вазиятда мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва динга мансуб инсонлар ўргасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, гўзал диёrimизда барқарор ва бардавом тараққиётини таъминлаш, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини, унинг эртаниги кунга бўлган ишончини ошириш барчамизнинг, аввало, раҳбар ва мутасаддиларнинг нафакат вазифаси, балки мукаддас инсоний бурчидир.

Биз факат мана шу йўл билан бугунги куннинг барча таҳдид ва хавф-хатарларига муносаб жавоб беришимиз, турли бузгунчи гояларга қарши жамиятимизда, аввало, ёшларимиз қалбидаги мустаҳкам иммунитет яратишими, халқимизнинг хошиш-иродаси билан танланган демократик ислоҳотлар йўлидан ортга қайтмасдан янада самарали натижаларга эришишимиз мумкин.

Азиз юртдошлар! Барчамиз учун Ватан битта. Бизни ягона, улуғ бир мақсад бирлаштиради. У ҳам бўлса, юртимиз тинчлиги, халқимиз фаронлигидир.

Барчамиз биргаликда Янги Ўзбекистон ва Янги Қорақалпогистонни албатта барпо этамиз.

Ўз ҳаёти давомида тарихнинг кўп-кўп машақатли синовларини мардона енгид ўтган азму шижаотли, олижаноб халқимиз ўз олдига кўйган мана шундай буюк мақсадларга албатта эришади, деб ишонаман.

ЭЪТИРОФ

КАСБГА САДОҚАТ МАРТАБАНИ БЕЗАЙДИ

Тиббиётнинг ўзи мураккаб соҳа. Ундаги йўналишлар эса ундан-да мураккаб! Зеро, оналик ва болаликни муҳофаза қилиши тизимнинг устувор вазифасидир.



Шундай экан, она ва бола ибораси шу қадар қалбимизга сингиб кетган-ки, мазкур йўналишда фаолият олиб бораётган тиббиёт ходимлари меҳнатига қанчалар таҳсин айтсак-да камлик қиласверади. Айниқса, чақалоқнинг дунёга келишида, яъни икки жоннинг

ҳаётини сақлаб қолища акушер-гинекологларнинг меҳнатлари бекиёсdir. Куни кеча фидой тиббиёт ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли она соғ-саломат ўз дилбандини бағрига олди. **Воқеа қўйида-гича бўлган:** Поликлиника шифокори автомобилда шоши-

линч тугрукни амалга ошириди. Қиброй туманинг Чинобод кўчасидан автомашинага чиқкан ҳомиладор аёлда кутимзидаги Улуғбек шаҳарчаси 1-сон поликлиникаси худудига “Матиз” русумли автомашинада олиб келинган ҳомиладор аёлга зудлик билан тиббиёт ёрдам кўрсатишга киришилди. Бу вазиятда ҳар бир сония хисобли эди. Тугурук жараёни эса аллақачон бошланган. Шошилиш зарур! Аслида оиласвий поликлиника гўдакни дунёга келтириш учун мўлжалланмаган бўлса-да, аёлни шундоққина рўпаратаги ушбу муассаса биносига олиб ўтишга хам фурсат етмади. Поликлиника мудироси Ҳилола Жамилова ўта тезкорлик билан бутун масъулиятни зиммасига олиб, автомобилнинг ўзида аёлга доя-



лик қилишга кириши. Мутахассислиги акушер-гинеколог бўлган мудира ва унинг жамоаси саъй-ҳаракати ва қатъияти сабабли тугрук муваффакиятли амалга оширилди. Шундан сўнг она ва бола соғлом холда поликлиникага яқин хисобланган Қиброй тумани тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги тугрук комплексига мутахассис ҳамроҳлигига олиб борилган. Ҳозир она-боланинг ахволи яхши, улар сало-

“ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН”

НАВОЙ ВИЛОЯТИ

БЕМОРЛАР ДАВЛАТ ҲИСОБИДАН ОПЕРАЦИЯ ҚИЛИНМОҚДА

Навоий — худуди жиҳатидан мамлакатимизнинг энг йирик вилояти. Бироқ бу ерда яшовчи аҳоли сони нисбатан кам. Шу боис, истикомат манзиллари анча тарқоқ жойлашган.

Бу эса одамларни сифатли тиббиёт хизмат билан камраб олишида қатор қийинчиликларни туғдириши табиий. Демак, тиббиётни аҳолига яқинлаштириш – Навоий вилояти шароитида ўта муҳим эҳтиёж. Давлатимиз эса бугун малакали тиббиёт ёрдам нафақат олис ва чекка қишлоқлар, балки ҳар бир хона-донга кириб бориши учун барча зарур чораларни кўрмоқда.

Соғлиқни саклаш вазирлиги томонидан уч ойдирки, худудларда ўтказилаётган согламаштириш акциялари айни шу эзгу мақсад рўёбига хизмат қилияти. Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё, Фарғона, Бухоро, Тошкент ва Хоразм вилоятларидан сўнг вазирлик марказий аппарати жамоаси, ихтинослаштирилган марказлар мутахассислари ва тиббиёт олий ўқув юрт-



ташкил этган. Тўғри, бу борада йил сайн пасайиш динамикаси кайд этилаётгани ижобий ҳолат. Аммо гап инсон ҳаёти, саломатлиги ва тақдирни ҳақида кетар экан, эришилган натижалар билан асло кифояланаб бўлмайди. Бунинг учун, биринчи навбатда, жойларда касалликлар балансини шакллантириб, ҳар бир беморга манзилли, тезкор ва малакали тиббиёт ёрдам кўрсатиш чораларини кўриш зарур. Шундан келиб чиқиб, акция даво-

лоятнинг ўзида ўтказилаётгани беморлар узогини яқин, мушкулини осон килмоқда. Ҳусусан, Навоий вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда Республика шошилинч тиббиёт ёрдам илмий марказининг Навоий филиалида бир куннинг ўзида 10 нафарга яқин кишида шундай юқори технологик жарроҳлик амалиётлари бажарилди.

Кам инвазив усулда амалга оширилган ва санокли дақиқалар ичida беморларни узоқ йиллик дардидан халос этган бу каби илгор операцияларга Республика шошилинч тиббиёт ёрдам илмий марказидан ташриф буюрган етакчи шифокорлар шифокорлар иштироқида, ви-

Тиббий гурӯҳ томонидан жойлашганда “хонадонбай” “маҳаллабай” тамоили асосида ўрганишилар олиб борилиб, мустақил юришига қийналадиган, тўшакка михланиб қолган оғир беморларга малакали тиббиёт ёрдам ҳам кўрсатилди.





БИР МУХТОЖ ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПМОҚ КАЪБАГА БОРГАННИНГ САВОБИДАН ҲАМ МИНГ КАРРА КҮПРОКДИР

Оғир хасталик туфайли тузалишдан умиди тобора узилиб бораётган беморларнинг кўзларига боққанмисиз? Уларнинг вужудини тилка-пора қилаётган дард — фақат оғриқларгина эмас, балки умидсизлик ҳамdir!

Аммо замонавий тиббиётга инновацион даво усуллари, илфор ёндашувлар тагбиқ этилаётган бир пайтда ҳамиша најот бор! Бундай оғир ахволдаги беморларга қайта ҳаёт бағишиш учун давлатимиз бор куч ва имкониятини ишга солмоқда. Соғлиқни сақлаш вазири Беҳзод Мусаев бошлигида жойларда ўтказилаётган сайёр тиббиёт қабулларда, биринчи навбатда, чекка ва олис маҳаллаларда яшовчи эҳтиёжманд беморларнинг саломатлигини тиклаш чоралари кўрияпти. Пойтахтдан келган етакчи шифокорлар Навоий вилоятида бўлишди. Навоий шаҳридан Томди тумани марказигача бўлган масофа – карийиб 300 километр. Бундан ҳам олис овулларда яшаётганлар бор. Туман худуди катта бўлса-да, аҳолиси сони жуда кам — 16 минг нафарга яқин. Яъни яшаш манзиллари ўта тарқоқ жойлашган. Бу эса малакали тиббиёт хизматни одамларга янада яқинлаштириши талаб этади. Вазир бошлигидаги шифокорлар гуруҳининг ушбу манзилга келиб, Томди тумани ва Зарафшон шаҳрида яшовчи аҳоли учун сайёр тиббиёт қабул ташкил этгани бежиз эмас. Чунки худудда оғир касалликка чалинган, бироқ юқори технологик операциялар учун нафақат пойтахт, балки вилоят марказига бориб даволанишга имкони топа олмаётганлар бор.



Шулардан бири — жажжи бемор, олти ёшли Фарида Ерланова. У юрак туғма нуксони билан дунёга келган. Шу боис отаси Ерлан Мантаев сайёр тиббиёт қабулга најот истаб келган. Жигарбандининг оғир дардан халос бўлиб, тенгдозлари қатори соғлом ва бахтиёр бўлиб вояга етишини ис-

учун шу ерда. Боласи бронхиал астма касаллиги билан оғрийди. Йилига икки марта муолажалар олиши зарур. Онахоннинг дардини эшитган мутасаддилар бу эҳтиёжманжд оиласа ҳам амалий ёрдам кўрсатиш чораларини кўрди.

Ўттиз олти ёшли Жаннат Сейдалиева болалигидан юришга қийналади. Икки то-

монлама диспластик коксартроз. Ўтган йил чап чаноқ-сон бўғимига эндопротез кўйилган. Энди ўнг оёғида ҳам шундай юқори технологик операция ўтказилиши зарур. Сайёр тиббиёт қабулда Жаннатхонга Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида бепул операция учун йўлланма берилиди.

Томди туманининг Шарқ массивида яшовчи Сайёр Эрназарова — 55 ёшда. Ўн беш йилдан бери оёклари



жаати билан иштирок этди. Натижада Шокир ака шу куннинг ўзидаёқ Республика шошилинч тиббиёт ёрдам илмий марказининг Навоий филиалига ёткизиладиган бўлди. Юқори технологик тиббиёт текширувлар натижаларига кўра, унда бепул мураккаб операция ўтказилиши белгиланди.

Эллик олти ёшли Феруза Турдиеванинг хасталиги эса оёқларида! Онахон Қизилтепа туманининг Пахтаобод маҳалласидан. Сайёр тиббиёт қабулга яқинлари кўмагида, қўлтиқтаёқда кириб келди. 2015 йилдан тизза бўғимида эмирилиш жараёни бошланган беморнинг аввал ўнг, кейин чап тиззасида кучли оғриклар пайдо бўлган. Ҳозирга келиб у эндопротезлаш амалиётига муҳтож. Аммо бу мураккаб операция учун Феруза опа катта маблаг топишга имконизлигини маълум қилди. Қолаверса, чап тиззасида ҳам муолажалар олиб борилиши керак. Пойтахтга бориб даволаниш эса осон эмас. Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари бемор мурожаатини тиннглаб, уни Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт марказида давлат хисобидан даволашга қарор қилди.

Мурожаати ижобий ҳал этилган фуқаролардан яна бири — Мавжуда Убайдова — 66 ёшда. Юрак ишемик касаллигига чалинган. Узоқ йилдан бери режали муолажалар олиб келади. Аммо кейинги пайтларда хасталиги зўрайиб, аҳволи ёмонлашмоқда. Пойтахтдан келган етакчи мутахассислар унда зарур текширувлар ўтказиб, Республика шошилинч тиббиёт ёрдам илмий маркази Навоий филиалида юқори технологик амалиёт ўтказиш зарур, деган хуносага келди. Онахон шу куннинг ўзидаёқ шифохонага жойлаштириладиган бўлди.

Сайёр тиббиёт қабул давомида ҳеч бир мурожаат эътибордан четда қолмади.



Шунингдек, сайёр тиббиёт қабул доирасида Соғлиқни сақлаш вазири Беҳзод Мусаев Томди тумани ва Зарафшон шаҳридаги қатор тиббиёт муассасаларида бўлиб, бу ерда даволанаётган беморлар билан ҳам мулокот қилди. Ўз навбатида, ушбу шифохоналарнинг моддий-техник имкониятларини мустаҳкамлаш юзасидан тизим мутасаддиларига зарур топширик ва кўрсатмалар берди.

Қизилтепа туманида ташкил этилган сайёр тиббиёт қабул ҳам аҳоли билан гавжум бўлди. Бу ерга нафақат шу худуд, балки кўшни Навбаҳор ва Кармана ту-

СОГЛОМЛАШТИРИШ АКЦИЯСИ

ХОНДОН АҲЛИ ШИФОКОРЛАРДАН МАМНУН

Ўрни келса, бир чимдим меҳр ҳам инсон умрини узайтиришига қодир. Давлат миқёсидаги эътибор ва гамхўрлик эса қанчадан-қанча тақдирларни ўзгартириб юбораётганига бугун барчамиз гувоҳмиз.



Хасталиги кун сайн зўрайиб, сурункали оғриқлардан тинка-мадори қуриган, дардидан тезроқ ҳалос бўлиш учун беминнат ёрдамдан умидвор шундай юргандаримиз борки, уларни факат дори-дармон, амбулатор муолажалар ва ширин сўз билангина қайта оёкка турғазиш мушкул. Яна ҳам аникрофи, бундай беморлар – катта маблағ, пухта билим ва юксак салоҳият талаб этадиган мураккаб жарроҳлик операциялари, инновацион даволаш усулларига муҳтож. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан жойларда ўтказиллаётган согломлаштириш акциялари давомида, биринчи навбатда, ана шундай фуқароларимизнинг саломатлигини тиклаш чоралари кўрилмоқда. Эзгу ташаббуснинг галдаги манзили – Навоий вилоятида ҳам бунинг гувоҳи бўляпмиз. Хусусан, пойтахтдаги етакчи даволаш муассасалари шифо-

келган мутахассислар 360 та қатновга мўлжалланган туман кўп тармоқли марказий поликлиникасида бўлиб, маҳаллий шифокорлар кўмагида аҳоли вакилларини чукурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказди. Беморларнинг бир гурухига шу ернинг ўзида юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатилган бўлса, аҳволи оғир, му-



корлари акция доирасида Навбаҳор туманига келди. Айтиш жоизки, худуд аҳолиси ўтасида нафас олиш, овқат ҳазм қилиш аъзолари ҳамда юрак-қон томир хасталиклари энг кўп учрайди. Тошкентдан

ракраб операцияларга муҳтож бошқа тоифа инсонларни вилоят, республика тиббиёт муассасаларида давлат ҳисобидан бепул даволаш чоралари кўрилди. Яна бир муҳим масала: тиббий ёрдамни аҳолига

яқинлаштириш – соғлиқни сақлаш тизими олдига қўйилган муҳим талаб. Бу нафақат bemорларни тезкор ва манзили даволаш, балки касалликлар профилактикаси учун ҳам жуда муҳим! Президентимизнинг “Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида бу долзарб масала ечими ҳам ўз аксини топган. Унга кўра, тиббий-санитария ёрдами муассаса-



жихозлари билан таъминланган. Қолаверса, аҳолига кундузги стационар хизматлари ҳам шу ернинг ўзида кўрсатиляпти. Акция доирасида ушбу маҳалла пунктига Япония халқаро ҳамкорлик ташкилоти – ЛСА томонидан яна қатор тиббий воситалар бегараз ёрдам сифатида тақдим этилди. Шунингдек, поятьхтдан келган мутахассислар иштирокидаги чукурлаштирилган тиббий кўриклар турли ҳавфли хасталиклар туфайли тўшакка михланиб қолган юргандаримизни ҳам четлаб ўтетгани йўқ.

Кирқ икки ёшли Фарҳод Нуров – Навбаҳор тумани, Олтин Замин кўчаси, 44-йуда яшайди. Ўтган йили автоҳалокат оқибатида оёқларидан оғир жароҳат олган. Саккиз ойирки, юролмайди, ҳатто ўрнидан кўзгалишга ҳам қийналади. Республика ихтинослаштирилган Травматология ва ортопедия илмий-ама-

лий тиббиёт маркази директори, профессор Муроджон Ирисметов бошчилигидаги шифокорлар ушбу bemор уйига бориб, уни тиббий текшируван ўтказгач, вилоятнинг ўзида давлат ҳисобидан операция килинадиган бўлди.

Туманинг Коровултепа маҳалласи, Нуронийлар кўчаси, 74-йуда истиқомат қи́лувчи 64 ёшли Нурпўлат Нурмуродов Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг етакчи шифокорлари томонидан текширилганида, унга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш зарурлиги маълум бўлди. Гап шундаки, отаҳон икки марта инфарктни бошдан кечирган, юрак соҳасида кучли оғриқлар кузатилмоқда. Кон босими тез-тез кўтарилиб туради. Тиббий текширувларда bemornинг учта томонида тромб ҳосил бўлгани тасдиқланган. Мутахассислар отаҳон хонадонида тиббий кўрикни якунлаб, уни зудлик билан тез тиббий ёрдам машинасида вилоят шифохонасига олиб кетишиди. Энди Нурпўлат акада давлат ҳисобидан юкори технологик операция амалга оширилади.

Гужбоғтепа маҳалласи яшовчи Диљшода Суюнова эса эндинига 36 ёшини қаршилаган. Аммо у ҳаётни ёрқин рангларда кўришдан бебахра. Бир кўзига сунъий гавҳар ўрнатилиши лозим. Иккинчи қорачигида ҳам кўриш қобилияти аста-секин пасайиб боряпти.

Республикахтисослаштирилган кўзмикрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази мутахассислари унда давлат ҳисобидан поятьхтда мураккаб операция ўтказадиган бўлди. Умуман, согломлаштириш акцияси давомида Навоий вилоятининг бошқа туманларида ҳам шундай чукурлаштирилган тиббий кўриклар ҳамда “хонадонбай” ўрганишилар давом этирилмоқда.

Давоми 8-бетда

БУГУННИНГ МАВЗУСИ

ТУҒМА ЮРАК НУҚСОНИ НИМА?

У нимаси билан хавфли? Болалар тұғма юрак нуқсони билан дүнёга келишининг асосий сабаблари нимада?

ЖССТ маълумотларига кўра, ҳар йили ҳар юз минг чақалокдан 6-10 нафари тұғма юрак нуқсони билан дүнёга келади. Республикаизда бир йилда 9 мингга яқин болада тұғма юрак нуқсони аниқланмоқда. Бу хасталикнинг олдини олиши, эрта аниқлаши ва бемор болаларни дардан фориг этиши ҳозирги вактдаги тиббиёт соҳасидаги энг катта ҳаракатлардан бириди. Юрак нуқсони билан тұғылған болалар умрини охиригача кимгадир муҳтожедирлар...

Юрак пороклари – юракнинг анатомик тузилишидаги турғун нуқсон бўлиб, унинг хавфли томони нормал кон оқимига халақит беради. Тұғма юрак нуқсони, яъни юрак пороги ҳомиланнинг дастлабки 3 ойлигидан, боланинг юраги ривожланишида маълум бир ташки ёки ички факторлар сабабли юракнинг морфологик ўзгариши, тузилиши ёки клапан аппарати ёки унинг томирлари бузилиши оқибатида ривожланган анатомик нуқсондир. Тұғма юрак нуқсонлари ёки умуман тұғма аномалияларнинг ривожланишига, асосан, олтита фактор таъсир килади:

- Хомиладор аёллардаги анемия;
- аёлнинг сурункали ёки ўтқир инфекцияли касаллiği;
- вирусли касалліклар;
- гармонал фактор;
- нейрогуморал фактор;
- яъни қариндошлар ўртасидаги никоҳ.


- хомиладорликнинг ilk даврида она организмининг заҳарланиши, баъзи касалліклар билан оғриши, ионловчи нурларнинг биологик таъсири, ирсий касалліклар

-стресс омиллар ҳам сабаб бўлади.

Камқонлик, хомиладорликнинг дастлабки уч ойлигida аёлнинг гриппга чалиниши ва бунга карши даволанмаслиги, қолаверса, буйрак ва бошқа аъзолардаги сурункали хасталиклар, онада учрайдиган турли инфекциялар ва вирусли касалліклар ҳомиланнинг соғлом ривожланишига имкон бермайди. Натижада болада тұғма нуқсонлар пайдо бўлиши мумкин. Бу муамманинг олдини олиш учун ҳомиладорликни режалаштиришдан олдин бўлажак отаона тор доирадаги мутахассислар кўригидан ўтиб, касаллік аниқланса, даволаниши лозим. Бунинг энг самарали ўйли ҳомиладор аёлларни скрининг кўригига ўз вактида жалб этишидир. Бугун мамлакатимизда она-бода скрининг хизмати ривожланиб бораётпи. Қолаверса, туғурук мажмуаларида ҳар бир чақалок чукур кўрикдан ўтказилади. Болада тұғма нуқсон бўлса, шу ернинг ўзидаги аниқлаш имкони мавжуд. Юрак нуқсонлари тұғма ва орттирилган юрак порокларига фарқ қилинади. Тұғма юрак пороклари хомила юраги ва юрак йирик томирларининг эмбрионал ривожланиш даврида нотўғри шакланиши нағијасида рўй беради. Гўдаклик даврида (1 ёшгача) юрктомир системасининг тўла ривожланмай қолиши (очик артериал йўллар ёки овал тешикнинг битмай қолиши) ҳам юрак порокларига киради. Тұғма юрак порокларининг кўп учрайдиган турлари: катта ва кичик кон айланиш доиралари ўртасида ҳар хил комбинациядаги аномрал йўллар, шунингдек, юракнинг йирик томирлари

(ўпка артерияси ва аорта)да торайган ёки битиб қолган жойлар бўлиши ёки шу томирларнинг нотўғри жойлашуви киради. Артерия ва вена қонининг қай даражада аралашиб турисига караб баъзи тұғма юрак пороклари цианоз билан (кўк хилдаги пороклар), баъзилари цианозсиз (ок хилдаги пороклар) ўтади. Бу қоннинг катта ва кичик кон айланиш доираларини туташтирувчи ноўрин тешиклар орқали қайси томонга оқиб ўтишига (шунт йўналишига), ўпка артериясидаги босимнинг кўтарилиши даражаси ва юрак мускуллари холатига боғлиқдир.

Боланинг жисмонан тўлиқ ривожланмаслиги, рангпарлик ёки кўкариб кетиш, нафас сикиши, юрак ҳажми ва ҳолатининг ўзгариши, юракда



порокнинг хусусияти, шунингдек, унга сабабчи асосий касаллікнинг кечиши, беморнинг меҳнат ва дам олиш режимида боғлиқ. Вактида терапевтик ва жарроҳлик усулида даволаш бемор ахволини енгиллаштириб, умрини узайтириш имконини беради. Тұғма юрак нуқсонларининг турлари жуда кўплиги учун даволаш ишлари касаллікнинг турига караб белгиланди. Дейлик, очик артериал проток –шундай турлардан бири. Бола олти ойлик бўлгунича, организмдаги физиологик ўзгаришлар туфайли бу тұғма юрак нуқсон тури кичик ҳажмда бўлса, ўз-ўзидан ёпилиб кетиш имкони бўлади. Агар тұғма юрак нуқсонига гумон бўлса, ЭКГ, рентген, эхоКГ, юракка тетеризацияси, аортография, кардиография, юрак МРТси ўтказилади.

Қисқаси, ҳар бир касаллікни даволашнинг ўз стандартлари бор. Агарда ота-она ўз фарзандида тұғма юрак нуқсони борлигини гумон қиласа, биринчи навбатда педиатрга ёки болалар кардиология мурожаат қилиши лозим. Кўп ҳолатларда ота-оналар эртага ёки индинга, кейинги йилга борамиз дейишади ва кеч колишади. Бунда касаллік асоратланган ва жарроҳлик амалиёти ўтказилса, боланинг реанимация ҳолатидан чиши, ўзини тиклаши осон кечади. Касаллікни эрта аниқлаш жуда муҳим. Агар вакт ўтказиб юборилса биринчи навбатда боланинг ахволи қийинлашади. Иккинчидан, шифокорлар учун ҳам мураккаблик пайдо бўлади.

Шунинг учун вактида аниқлаб, олдини олиш зарур. Даволаш ишларини шу асосда ташкил этиш учун бемор доимо шифокор кузатувида бўлиши лозим.

Дилдора МУХАМЕДОВА,
Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази
терапия йўналиши 1-курс клиник ординатори.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ

ҲАМКОРЛИК ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРАДИ

Янчжоу тиббиёт университети (Yangzhou Medical University) ҳамда Хайан анъанавий Хитой тиббиёти (Hai'an Hospital of Traditional Chinese Medicine) ва Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази ўртасида ҳалқаро академик ва илмий-амалий ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.



Жорий йилда Ўзбекистон ва Ҳитой ўртасидаги икки томонлама муносабатлар – мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги нишонланади. Бу даврда замонавий давлатла-

рато муносабатлар ҳар томонлама стратегик шернилк даражасига кўтарилиди, давлатлар деярли барча соҳаларда ўзаро манбаатли ҳамкорликни йўлга кўйдилар. Икки давлат раҳбарларининг мунтазам учрашув-

лари алоқаларни ривожлантиришда муҳим йўналишни белгилаб берди. Хитой ва Ўзбекистон Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) ва бошқа кўп томонлама тузилмалар доирасида яқин алоқаларни ўрнатиб, умумий манбаатларни ҳимоя қилиб, бутун дунёда хавфсизлик ва тараққиётга эришишга ижобий хисса кўшмоқда. Таъкидлаш жоизки, ШХТга раислик килишдек шарафли ва ўта масъулиятли миссия 2021-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасига топширилган эди. Ўзбекистон ўз радислиги даврида барчанинг эътиборини Ўзбекистон томонидан илгари сурйлан ва ШХТ доирасидаги Ўзбекистон-Ҳитой кўп томонлама ҳамкорлиги кун тартибига жуда ҳамоҳанг келадиган катор устувор вазифаларга картиши таклиф қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ана шундай ўзаро ҳамкорликнинг асосий омилларидандир. Республикамизда соғлиқни сақлаш тизимида ҳам касалликларнинг олдини олиш,



эрта ташхис қўйиш ва юкори малакали тиббий ёрдам кўрсатишига қаратилган бирламчи тиббий-санитария ёрдамидан бошлаб, аҳолига ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатишигача бўлган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ихтисослаштирилган марказлар олдига ҳам аниқ вазифалар қўйилган. Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази ва Янчжоу тиббиёт университети, шунингдек, Хайан анъанавий Хитой тиббиёти шифохонаси ўтрасида ҳалқаро академик ва илмий-амалий ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланганнишига бағишланган тадбир ҳам Ўзбекистон-Ҳитой ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир. Мазкур тадбирда Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Улуғбек Сабиров ва вазирлик мутасаддилари иштирок этишиди.

Бундай ҳалқаро ҳамкорлик мамлакатларимиз ахолиси саломатлигини иустахкамлашда ўз самарасини беради.

Ибодат СОАТОВА.

ОБЪЯВЛЕНИЕ

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН

**Финансирование Саудовского фонда развития № 4/588
Проект «Строительство и оснащение современным
медицинским оборудованием республиканских
специализированных научно-практических
медицинских центров»**

**Закупка медицинского оборудования для республиканских
специализированных научно-практических
медицинских центров**

Запрос коммерческих предложений №UZB-4/588/RfQ/02
Министерством здравоохранения Республики Узбекистана было опубликовано приглашение на подачу коммерческих предложений №UZB-4/588/RfQ/02 в следующих средствах массовой информации:
11 апреля 2022 года на сайте Министерства здравоохранения Республики Узбекистан;

11 апреля 2022 года на сайте Tenderweek.com;

11 апреля 2022 года на сайте ГУП “O’zmedimpex”;

Настоящим Министерство здравоохранения Республики Узбекистан информирует о результатах проведения вышеуказанных торгов.

РЕЗУЛЬТАТЫ ПРОВЕДЕНИЯ ВЫШЕУКАЗАННЫХ ТОРГОВ

№ Лота	Наименование участника	Страна участника	Общая сумма присужденного контракта
1	Sun Gate International LLC	Узбекистан	94 500,00 долл. США
2	Arash Medical Central Asia LLC	Узбекистан	125 000,00 долл. США
3	Sun Gate International LLC	Австрия	64 500,00 долл. США
4	SIRIN DUNYASI GIDA URUNLERİ SANAYI VE TICARET LIMITED SIRKETİ	Турция	110 000,00 Евро
5	Norvale Company GmbH	Германия	99 840,00 Евро
6	Norvale Company GmbH	Германия	71 940,00 Евро

Объединенная Группа Реализации Проектов
ул. Паркентская, д. 51, г. Ташкент, 100007, Республика
Узбекистан, ТашИУВ

Тел. (+998 71) 268-12-13, 268-25-39, Факс (+998 71) 267-73-47
e-mail: sfd.ssmc@gmail.com

THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

SaudiFundforDevelopmentfinancing No. 4/588

**Construction and Equipping of Republican Specialized Scientific and Practical Medical Centers with Modern Equipment Project
Procurement of medical equipment for republican specialized scientific and practical medical centers**

Request for Quotations No. UZB-4/588/RfQ/02

The Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan published request for quotations No. UZB-4/588/RfQ/02 in the following media:

11th April 2022 on the website of the Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan;

11th April 2022 on Tenderweek.com;

11th April 2022 on the website of the “O’zmedimpex” LLC;

The Ministry of Health of the Republic of Uzbekistan hereby informs about the results of the above tendet.

RESULTS OF THE ABOVE TENDER

Lot No.	NameofParticipant	Country of Participant	Total Price of Contract Awarded
1	Sun Gate International LLC	Uzbekistan	USD 94 500,00
2	Arash Medical Central Asia LLC	Uzbekistan	USD 125 000,00
3	Sun Gate International LLC	Uzbekistan	USD 64 500,00
4	SIRIN DUNYASI GIDA URUNLERİ SANAYI VE TICARET LIMITED SIRKETİ	Turkey	EUR 110 000,00
5	Norvale Company GmbH	Germany	EUR 99 840,00
6	Norvale Company GmbH	Germany	EUR 71 940,00

United Project Management Unit

**51,Parkentskayast., Tashkent, 100007, Republic of Uzbekistan,
TashIUV**

**Tel. (+998 71) 268-12-13, 268-25-39, Fax (+998 71) 267-73-47
e-mail: sfd.ssmc@gmail.com**

“ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН”

НАВОЙ ВИЛОЯТИ

"БИЗ БАХТЛИ ОДАМЛАР САФИГА ҚАЙТДИК!"

Хасталикнинг ҳар қандай тури — мураккаб синов. Ўз вақтида ва тўғри муолажа қилинмаса, кичик жароҳат ҳам оғир асоратларга сабаб бўлиши мумкин.

Соҳири. Боши 3, 4, 5-бетларда

Аммо дардига дармон тошиш учун нажот кутиб яшаётган оғир беморлар борки, давлатимиз, биринчи навбатда, ана шундай юртдошларимиз хузурига бориб, уларга шифо ва меҳр улашишни мақсад қилган. Бир эмас, юзлаб инсонларнинг яна ҳаётга қайтишига сабаб бўлаётган соғломлаштириш акцияси шуниси билан аҳамиятли. Ушбу хайрли ташаббус доирасида Навоий вилоятида кўплаб беморларда давлат ҳисобидан юқори технологик амалиётлар бажариляпти. Натижада улар узоқ йиллик дардидан саноқли дақиқалар ичida халос бўлмоқда.

Кармана туманида яшовчи 28 ёшли Отабек Тошқулов 2009 йилдан бери буйрак ҳасталигидан азиат чекади. Айни пайтга келиб уннинг ахволи янада оғирлашган. Буйрак етишмовчилиги туфайли ҳафтада икки бор гемодиализ муолажаларини олишга мажбур. Отабекнинг оғир дардан кун сайн сўлиб бораётганини кўриш яқинлари учун чинакам синов, албатта. Шу боис беморнинг опаси, 32 ёшли Наргиза Тошқулова ўз укасига бир буйрагини беришга қарор килди. Соғломлаштириш акцияси доирасида Навоийга келган академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия ил-

мий-амалий тиббиёт марказининг юқори малакали мутахассислари унда буйрак трансплантацияси амалиётини бажариши. Мухими, операция муваффақиятли якунланди. Ҳозир беморнинг ҳам, донорнинг ҳам ахволи яхши.

Навоий шаҳрида яшовчи Раъно Сафарова ҳам жигарбандининг соғайиши учун вилоят қўп тармоқли тиббиёт марказига нажот истаб келди. Чунки ўттиз бир ёшли қизи Гулруҳ Сафарова оғир хаста. 2016 йилда ҳар икки оёгининг чанок-сон бўғимида суяқ емирилиши жараёни бошланган. Икки ярим йилдан бўён эса мустақил юра олмайди. Шифокорлар унга икки томонлама диспластик коксартроз ташхисини қўйган. Жорий йил бошида беморнинг ўнг

оёғига эндопротез мосламаси ўрнатилган эди. Энди худди шундай юқори технологик операция чап чаноқ-сон бўғимида ҳам ўтказилиши зарур. Аммо амалиёт учун катта маблағ талаб этилади. Соғломлаштириш акцияси доирасида вилоятга келган Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази шифокорлари Гулруҳга давлат ҳисобидан эндопротез ўрнатадиган бўлди. Мураккаб операция қарий 40 дақиқа давом этди. Бемор кўп йиллик ҳасталигидан



ҳар йили қарий 6 минг нафарга яқин мутахассисга сабоқ берилади. Эътиборлиси, марказдаги деярли барча жараён компютерлаштирилган. Жумладан, тингловчиларнинг хужжатларини қабул қилиш тўлиқ электрон тизимга асосланган. Бундан ташқари, 37 та йўналиш бўйича hamshiramalaka.uz платформаси яратилган. Бу эса таълим тизимининг интеграллашуви ва замонавийлашуви ҳамда тингловчилар билимини баҳолаб бориш жараёнининг автоматлашувига хизмат қилмоқда.

– Бугун ўрта тиббиёт ходимлари зиммасида жуда катта масъулият бор, – дейди филиал директори Вали Тўракулов.

– Биз тиббиётни янги босқичга кўтариш учун соҳанинг суюнчи ва таянчи бўлган ана шу мутахассисларнинг нафақат билим ва малакаси, балки ишга ёндашувини ҳам тўлиқ ўзгартиришга эришишимиз керак.

Шу мақсадда муассасамизда шаффоғ тизим яратилган. Малака ошириш ва ихтисослик йўналишлари бўйича якуний назорат синовлари онлайн тарзда олинмоқда. Акция доирасида тиббиёт олимларининг филиалимизга ташрифи эса тингловчиларимиз учун ўзига хос мотивация бўлди.

профессорлар Республика ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази Навоий филиалида билим ва тажрибасини ошираётган ҳамширалар учун маҳорат дарслари ўтди.

Бу қизиқарли жараёнга Японияда шу соҳа бўйича малакали мутахассислар кунчикар юртдан туриб интернет орқали боғланиши. Олимлар бугунги кунда ўрта тиббиёт ходимлари зиммасига юклangan масъулият ва талаблар ҳақида аниқ мисоллар билан тингловчиларга сўзлаб берди. Айтиш жоизки, мазкур филиал вилоятдаги даволаш-профилактика муассасаларининг 17 мингдан ортиқ ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни касбий қайта тайёрлашга ихтисослашган. Бу ерда

Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари, республика даражасидаги тиббиёт муассасалари шифокорларидан иборат 150 нафардан зиёд тиббий гурӯҳ бошчилигидаги соғломлаштириши тадбирлари самарали кечди. Бу эзгу ташаббус олдинда яна юзлаб, минглаб беморларнинг ҳаётига қайта кувонч багишилашига шубҳа йўқ.



Газетанинг 3, 4, 5 ва 8-саҳифаларидаги мақолалар Соғлиқни сақлаш вазирлиги Матбуот хизмати материаллари асосида тайёрланди

**Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги**

**Бош мухаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош мухаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА**

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририята келган кўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифа қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Ташкент шаҳри, Истиқбол кўчasi, 30 уй, 2-кват.

Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73. Газета 2009 йил 11 марта Узбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига 0015-рақами билан рўйхатта олинган.

**Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.**

**Адади 712 нусха.
Буюртма Г-740**

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-йй. Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.